

364/602 - عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ أَبِي بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ أَصْحَابَ الصُّفَّةِ كَانُوا أَنَاسًا
 فَقَرَاءً، وَأَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَنْ كَانَ عِنْدَهُ طَعَامٌ اتَيْنِ فَلْيَذْهَبْ بِثَالِثٍ، وَإِنْ أَرْبَعٍ
 فَخَامِسٌ أَوْ سَادِسٌ». وَأَنَّ أَبَا بَكْرٍ جَاءَ بِثَلَاثَةٍ، فَانْطَلَقَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِعَشْرَةٍ، قَالَ: فَهَوَّ
 أَنَا وَأَبِي وَأُمِّي، فَلَا أَدْرِي قَالَ: وَأَمْرَاتِي وَخَادِمِي، بَيْنَنَا وَبَيْنَ بَيْتِ أَبِي بَكْرٍ، وَإِنَّ أَبَا بَكْرٍ تَعَشَّى عِنْدَ
 النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، ثُمَّ لَبِثَ حَيْثُ صُلِّيتِ الْعِشَاءُ، ثُمَّ رَجَعَ فَلَبِثَ حَتَّى تَعَشَّى النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ
 عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَجَاءَ بَعْدَ مَا مَضَى مِنَ اللَّيْلِ مَا شَاءَ اللَّهُ، قَالَتْ لَهُ امْرَأَتُهُ: وَمَا حَبَسَكَ عَنْ أَضْيَافِكَ،
 أَوْ قَالَتْ ضَيْفِكَ؟ قَالَ: أَوْ مَا عَشَّيْتِيهِمْ؟ قَالَتْ: أَبَوَا حَتَّى تَجِيءَ، قَدْ عُرِضُوا فَأَبَوْا، قَالَ: فَذَهَبْتُ أَنَا
 فَاحْتَبَأْتُ، فَقَالَ: يَا غُنْثَرُ، فَجَدَّعَ وَسَبَّ، وَقَالَ: كُلُوا لَا هَنِيئًا، فَقَالَ: وَاللَّهِ لَا أَطْعُمُهُ أَبَدًا، وَإِيمُ اللَّهِ،
 مَا كُنَّا نَأْخُذُ مِنْ لُقْمَةٍ إِلَّا رَبًّا مِنْ أَسْفَلِهَا أَكْثَرَ مِنْهَا، قَالَ: حَتَّى شَبِعُوا، وَصَارَتْ أَكْثَرَ مِمَّا كَانَتْ
 قَبْلَ ذَلِكَ، فَنَظَرَ إِلَيْهَا أَبُو بَكْرٍ فَإِذَا هِيَ كَمَا هِيَ أَوْ أَكْثَرَ مِنْهَا، فَقَالَ لِامْرَأَتِهِ: يَا أُحْتُ بَنِي فِرَاسٍ،
 مَا هَذَا؟ قَالَتْ: لَا وَقِرَّةَ عَيْنِي، هِيَ الْآنَ أَكْثَرُ مِنْهَا قَبْلَ ذَلِكَ بِثَلَاثِ مَرَّاتٍ، فَأَكَلَ مِنْهَا أَبُو بَكْرٍ
 وَقَالَ: إِنَّمَا كَانَ ذَلِكَ مِنَ الشَّيْطَانِ، يَعْنِي يَمِينَهُ، ثُمَّ أَكَلَ مِنْهَا لُقْمَةً، ثُمَّ حَمَلَهَا إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ
 عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَصْبَحَتْ عِنْدَهُ. كَانَ بَيْنَنَا وَبَيْنَ قَوْمِ عَقْدُ، فَمَضَى الْأَجَلَ، فَفَرَّقَنَا اثْنَا عَشَرَ رَجُلًا، مَعَ
 كُلِّ رَجُلٍ مِنْهُمْ أَنَسٌ، اللَّهُ أَعْلَمُ كَمَ مَعَ كُلِّ رَجُلٍ، فَأَكَلُوا مِنْهَا أَجْمَعُونَ، أَوْ كَمَا قَالَ.

364.602 Абу Усмон Абдуррахмон ибн Абу Бакр розияллоху анҳумодан ривоят қилади:

«Аҳли суффа фақир кишилар эди. Набий соллаллоху алайҳи васаллам: **«Кимнинг икки кишилик таоми бўлса, учинчи(киши)ни, тўрт (кишилик таоми) бўлса, бешинчи ёки олтинчи(киши)ни олиб кет(иб,**

тўйдир)син», дедилар. Абу Бакр уч кишини олиб келди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўн кишини олиб кетдилар.

(Абдурраҳмон) деди: «Мен, отам ва онам бор эдик - Абу Усмон: «Хотиним ҳамда биз билан Абу Бакр хонадони ўртасидаги хизматчи ҳам бор эди», дедими, билолмадим», деган - Абу Бакр Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида кечки овқатни еди. Сўнг хуфтон ўқилгунча турди. Кейин қайтиб, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам таомлангунларича кутиб турди. Сўнг кечадан Аллоҳ хоҳлаганича ўтганидан кейин келди. Аёли унга: «Меҳмонларингиздан - ёки меҳмонингиздан - нега ушланиб қолдингиз?» деди. У: «Уларни овқатлантирмадингларми?!» деди. (Аёли:) «Келмагунингизча кўнишмади. Берилдию, бош тортишди», деди.

(Абдурраҳмон) деди: «Мен бориб яширишиб олдим. Абу Бакр: «Эй нодон!» деди ва «Қулоқ-бурнинг кесилсин!» деб сўкди-да: «Енглар, татимасин. Аллоҳга қасамки, уни емаганим бўлсин», деди. Аллоҳга қасамки, луқма олганимиз сари (таом) тагидан ортиб, бундан ҳам кўпаяверди, яъни ниҳоят, тўйганларида олдингидан кўпроқ бўлиб қолди. Абу Бакр қараса, у аввалгидай ёки ундан ҳам кўп бўлиб қолибди. Шунда аёлига: «Эй Бану Фирослик, бу нимаси?» деди. (Хотини:) «Кўзларимга ишонмайман, ҳозир у олдингидан уч баробар кўпроқ», деди.

Абу Бакр ундан еди ва олдин қасам ичганини назарда тутиб: «Бу шайтондан бўлди», деди. Сўнг ундан (яна) бир луқма еди-да, кейин уни Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам томон кўтариб борди. (Таом) тонггача у зотнинг олдиларида турди. Биз билан бир қавм ўртасида келишув бўлиб, муддати тугаган эди. У зот бизларни ўн икки кишига бўлдилар. Ҳар бир киши билан бир неча одам бор эди. Ҳар бир киши билан қанчадан одам борлигини Аллоҳ билади. Кейин ҳаммалари ундан ейишди».

Ёки шунга ўхшаш гапни айтди».

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI

